*Mustaqillik qanotlari*

МУСТАҚИЛЛИК 16 ЙИЛ

# Парвозинг юксак бўлсин, Юртим!











(***Давоми. Боши ўтган сонда***)

Мустақилликнинг мустаҳкам пойдевори ҳақида сўз борар экан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Мана бу рақамлар фикримизга янада аниқлик киритади. Биргина 2006 йилда авиакомпания томонидан 22084 та парвоз амалга оширилди, 1 миллион 700 мингга яқин йўловчига намунали хизмат кўрсатилди. Бу эса 2005 йилга нисбатан 1,6 фоизга кўп демакдир. Ўтказилган ислоҳотлар туфайли эндиликда авиакомпания мамлакатимиз иқтисодидаги етакчи соҳалардан бирига айланди.

2007 йил 30 майда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Боинг» авиация-космик корпорацияси билан «Боинг-787» Дремлайнер самолётларини етказиб бериш тўғрисида битим имзолади. Ҳозирда авиакомпания паркидаги «Боинг»лар сони 10 тани ташкил этади. Айнан ана шу самолётлар миллий авиакомпаниямизга халқаро авиаташувлар бозорига чиқиш, йўналишлар тармоғини кенгайтириш, ҳаво кемаси саҳнида ва ерда хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига кўтариш имконини беради. Албатта, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи туширилган «Боинг» номли пўлат қушлар Нью-Йорк ва Лондон, Франкфурт ва Токио, Москва ва Санкт-Петербург сингари жаҳоннинг энг ривожланган шаҳарлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш имконини бераётир. Бу эса ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар қандай киши қалбида фахру ифтихор туйғуларини уйғотиши табиийдир.

Ҳозирда авиакомпанияда МДҲ ҳудудида ягона саналадиган замонавий корхона — Ўзагронавигация маркази ҳам фаолият кўрсатаётир. Ушбу марказ нафақат «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларига, балки ўттиздан ортиқ хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемаларига хизмат кўрсатадиган Ўзбекистондаги барча аэропортларнинг ҳаракатларини бошқариш тизимларини бирлаштиради.

Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда қулай диспетчерлик ва радиолокация асбоб-ускуналари билан жиҳозланган республика аэропортлари ҳаво ҳаракатининг юксак даражада ишончлилигини таъминлашга имкон беради. Уларни янада такомиллаштириш борасида эса изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Марказнинг барча бўлинмаларида қўниш тизимини ва радиолокация асбоб-ускуналарини босқичма-босқич замон талабларига мослаб янгилаш ишлари олиб борилмоқда.

Маълумки, парвозларнинг хавфсизлигини таъминлашда таъмирлаш хизмати ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада «UZBEKISTAN AIRWAYS TECHNICS» авиакорхонаси A-310, Боинг-757/767 ва RJ-85 ҳаво кемаларига юқори сифатли техник хизмат кўрсатади. Мазкур авиакорхона 1992 йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг таркибига кирди ва ҳозирда авиация техникасини таъмирлаш ҳамда линияли хизмат кўрсатиш соҳасидаги барча талаб ва эҳтиёжларни тўла қондириб келмоқда. Бу ўз навбатида валюта харажатларини камайтириш ва авиакомпаниянинг экспорт имкониятларини оширишда муҳим омил бўлади, десак янглишмаймиз.

Мана шундай юксак имкониятлар самараси ўлароқ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» бир вақтнинг ўзида Лаҳор (Покистон) ва Урумчи (Хитой) шаҳарларида ўз ваколатхоналарини очиб, ушбу шаҳарларга ҳам мунтазам қатновларни йўлга қўйди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бир қатор аэропортларидан Самарқанд-Санкт-Петербург, Наманган-Москва, Фарғона-Самарқанд-Симферополь йўналишларида ҳам мунтазам қатновларни амалга оширмоқда. Бухоро-Москва йўналиши бўйича қатновлар сони ҳафтасига 3 тага етказилди, Тошкент-Алмати қатнови ҳафтасига 7 марта бажариладиган бўлди.

— Бу йил Миллий авиакомпаниямиз ташкил этилганига 15 йил тўлди, — дейди биз билан суҳбатда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК Бош директори Валерий Николаевич Тян. — Биз авиакомпания фаолияти барқарорлигини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини йил сайин ошириб боришни режалаштирганмиз. Албатта, бу мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада ошишига муносиб улуш қўшади. Бу борада аҳил жамоамиз ўзининг куч-ғайратини аямайди, дея ишонч билан айта оламан.

Миллий авиакомпания ходимларининг фидокорона меҳнатлари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ўтган 15 йил мобайнида 100 дан ортиқ авиаходимларга давлат мукофотлари топширилди. 20 дан ортиқ киши «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» юксак унвонларига сазовор бўлди.

Ҳа, бугун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси жаҳондаги етакчи авиакомпаниялар билан бемалол рақобатлаша олади. Авиакомпаниянинг истиқболдаги режалари ҳам ғоятда улкан ва салмоқли. Ишонамизки, келгусида бу режалар, албатта, рўёбга чиқади.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Izoh*

# Ҳакамлик суди:

## УНИНГ АЖРИМИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИНМАЙДИ

***Маълумки, мамлакатимизда ҳакамлик судларининг фаолияти қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, ҳакамлик судьяларининг холислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади.***

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари ташкил этилиши мумкин. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс томонидан ташкил этилади ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатади.

Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади. Маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низолар, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа низолар унинг ваколатига кирмайди.

Ҳакамлик суди шартнома шартлари ва меҳнат муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилув қарори қабул қилади.

Агар ҳакамлик битими тарафларнинг муносабатлари қонун ҳужжатлари ёки ҳакамлик битими тарафларининг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлса ва бу муносабатларга нисбатан қўлланиладиган иш муомаласи одати мавжуд бўлмаса, ҳакамлик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини қўллайди (қонун ўхшашлиги), қонун ўхшашлигидан фойдаланиш имконияти бўлмаган тақдирда эса ҳакамлик битими тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларининг мазмунидан ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ҳакамлик суди ўз ҳал қилувига топширилган низони, шу жумладан, ҳакамлик битими йўқлиги ёки ҳақиқий эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири ҳакамлик муҳокамасига қарши эътироз билдирган ҳолларда низони кўриб чиқишга ваколати борлиги ёхуд йўқлиги ҳақидаги масалани мустақил равишда ҳал этади. Шу мақсадда шартнома шарти тарзида расмийлаштирилган ҳакамлик битими шартноманинг бошқа шартларига боғлиқ бўлмаган битим сифатида кўриб чиқилиши керак. Ҳакамлик судининг шартни қамраб олган шартноманинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ушбу шартнинг қонунга биноан ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмайди.

Низо ҳакамлик суди томонидан мазмунан кўриб чиқилгунига қадар ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судида ўз ҳал қилувига топширилган низони кўриб чиқишга ваколат йўқлиги ҳақида арз қилишга ҳақли.

Агар кўриб чиқилиши ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёхуд қонунга ёки доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларига мувофиқ бўлмаса, ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик суди ўз ваколатидан четга чиққанлиги ҳақида арз қилишга ҳақли.

Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафининг берилган аризасини кўриб чиқиши шарт. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Агар ҳакамлик суди ўз ваколати ҳақидаги масалани кўриб чиқаётганда низони кўриб чиқишга ҳакамлик судида ваколат йўқлиги тўғрисида ажрим чиқарса, ҳакамлик суди низони мазмунан кўриб чиқиши мумкин эмас.

Ҳакамлик суди низонинг мазмунига дахл қилмайдиган масалалар юзасидан ажрим чиқаради. Ҳакамлик судининг ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Бу муаммолар, биринчи галда, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир.

**Нўъмонжон МУҲАММАДИЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

*Adliya yordam berdi*

# Бепарво бўлманг

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»ги Низомга асосан, адлия органлари Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини холисона ва ҳар томонлама кўриб чиқади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўради. Мазкур қарор билан адлия органлари тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва унинг вилоят бошқармаларида бўлимлар ташкил этилди.**

Ўтган давр мобайнида адлия органлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ўз вазифаларини бажариш жараёнида, фуқаро билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхона, ташкилот, муассасалар ўртасида вужудга келган низоли масалаларни кўриб чиқмоқда.

Масалан, Гулчеҳра Алишерова аввал ўзи ишлаган Мингбулоқ туманидаги 44-сонли мактабгача тарбия муассаси мудиралигига ишга тикланмаётганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигига мурожаат қилди. Наманган вилоят адлия бошқармасининг ўрганишича, Г.Алишерова 2006 йилнинг 2 мартидан 2007 йилнинг 2 мартига 2-гуруҳ ногиронлиги бўйича даволаниш учун ўз ҳисобидан таътилга чиққан. У 2007 йил 1 март куни соғлиги тикланганлиги учун ўз вазифасига ишга тиклашни сўраб, туман халқ таълими бўлими раҳбари номига ариза ёзган. У ўз аризасига тарификациядан ўтиш учун Қўқон Давлат педагогика институти махсус сиртқи бўлим талабаси эканлиги ҳақидаги ҳужжатларни ҳам илова қилган.

Соҳа раҳбарлари тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида 2007 йил 27 апрель куни Қўқон Давлат педагогика институтига сўровнома жўнатган, бироқ орадан қарийб икки ой ўтса ҳамки, сўралган сўровноманинг тақдири билан ҳеч ким қизиқмаган. Натижада фуқаронинг қонунчилик асосидаги меҳнат ҳуқуқлари бузилган. Шундан сўнг у шикоят ёзишга мажбур бўлган.

Вилоят адлия бошқармасининг аралашуви билан ўқув юртидан тегишли ҳужжатлар ўз вақтида олинди. Бевосита бошқарманинг ҳуқуқий ёрдами орқали Г.Алишерова туман халқ таълими бўлими раҳбарининг 2007 йил 5 июндаги буйруғи билан ўз лавозимига ишга тикланди ва мажбурий таътилда юрган вақтлари учун иш ҳақи тўлаш белгиланди.

Гувоҳи бўлганингиздек, айрим раҳбарларнинг эътиборсизлиги, расмиятчилиги оқибатида фуқароларнинг туман ва шаҳар миқёсида ҳал этилиши мумкин бўлган аризалари Республика миқёсидаги турли идораларга келиб тушмоқда. Ариза ва шикоятларнинг таҳлилидан шу нарсани кўриш мумкинки, қаерда фуқаро мурожаатига бепарволик билан қаралса, шу ерда шикоятлар сони ортиб бораверади. Шундай экан, жойлардаги мутасаддиларнинг фуқаролар мурожаатларига нисбатан эътиборини кучайтириш, ҳар бир жамоада соғлом муҳит ва эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Тоҳир САИДБОБОЕВ,**
**Адлия вазирлигининг масъул ходими**

*Burch*

# Тадбиркорлар ҳуқуқини кўзлаб



***Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди томонидан 5393 та хўжалик иши кўриб чиқилди. Шулардан 4891 таси қаноатлантирилиб, жавобгар корхоналардан 96747 миллион сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари қабул қилинган.***

3356 хўжалик ишининг 130 тасида фермерлар даъвогар сифатида иштирок қилдилар. Даъво аризаларнинг 124 таси қаноатлантирилди.

Масалан, даъвогар «Озод Аминов» фермер хўжалиги жавобгар Беруний туман ҳокимининг 2006 йил 16 августдаги 555/08-сонли қарорини бекор қилиш ҳақида хўжалик судига ариза билан мурожаат қилган эди. Ишни кўриш жараёнида ушбу қарорда ҳуқуқий меъёрлар бузилганлиги аниқланди ва Беруний туман ҳокимининг мазкур қарори ноқонуний, деб топилди.

Фермер хўжаликлари жавобгар сифатида кўрилган ишлар ҳам кам эмас. Бундай 3226 ишнинг 3029 таси қаноатлантирилди. Бу фермерларимизнинг айримлари ҳали ҳам ҳукуматимизнинг ғамхўрлигидан, яратилган шароитлардан тўлиқ фойдаланмаётганини, иш юритиш услубларини ўрганмаганлигини, ўзбошимчаликка, масъулиятсизликка йўл қўяётганини англатади.

Кичик бизнес субъектлари иштирокидаги ишлар 925 тани ташкил қилди. Уларнинг 314 тасида бундай субъектлар даъвогар сифатида иштирок қилдилар. Бу ўринда ҳам даъво аризаларининг 300 таси қаноатлантирилиб, 2097 миллион сўм ундирилди. Жавобгар сифатида 611 та иш кўрилиб, шундан 504 таси қаноатлантирилди. 7 та иш бўйича даъво аризалар рад этилиб, иш кичик бизнес субъектлари фойдасига ҳал қилинди.

Президентимизнинг **«Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, **«Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонлари тадбиркорликнинг кенг тараққий қилишига асос бўлмоқда.

**«Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тўғрисида»**ги Низомга мувофиқ, текширишни бошлашдан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбари назорат қилувчи органнинг мансабдор шахсига тегишли устунларни тўлдириш учун **«Текширишларни рўйхатга олиш китобини»** тақдим этади. Агар текширувчи уни тўлдиришдан бош тортса, текширилувчи уни текшириш ўтказишга қўймасликка ҳақли. Хўжайли туман Давлат солиқ идораси ходимлари томонидан киритилган ариза қонунни четлаб текшириш ўтказилганлиги боис рад этилди. Шу йил 6 апрель куни Хўжайли туман ДСИ ходимлари томонидан 5 апрелдаги 45-сонли буйруққа асосан хусусий тадбиркор М. Қадирбергановнинг савдо шохобчасида текшириш ўтказилган. Текшириш натижасида харидор А. Қосназаров 24 500 сўмга 1 қоп ун сотиб олганлиги, лекин сотувчи томонидан назорат-касса машинасидан чек берилмаганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан далолатнома тузилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судига 459000 сўмдан 708000 сўмгача молиявий жарима қўллаш ҳақида ариза билан мурожаат қилинган. Суд мажлисида текшириш ўтказиш бошланмасидан аввал **«Текширишларни рўйхатга олиш китоби»** солиқ ходимлари томонидан тўлдирилмаганлиги аниқланди ва ариза қаноатлантирилмади. Текширув ўтказган солиқ идораси ходимларига нисбатан хусусий ажрим чиқарилди ва содир этилган қонунбузарлик сабабини ўрганиб чиқиш ҳамда тегишли чоралар кўриш учун Қорақалпоғистон Республикаси Солиқ бошқармасига юборилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай назорат фаолияти қонун доирасида бўлиши керак. Акс ҳолда текширилувчининг эмас, текширувчининг юзи ерга қараб қолиши мумкин.

**Азат СЕЙТАНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди раиси**

# Қудуққа тушган игна

***Ҳар не бўлгандаям, гапнинг дангали яхши. Агарда вилоят адлия бошқармаси мутасаддилари бу можарога қонуний нуқта қўймаганида яъни тегишли идораларга қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритмаганида, боёвутлик фермер Дилшод Холбеков ҳалигача сарсон-саргардон бўлиб, туман раҳбарлари эшигини қоқиб юрган бўларди. Бу нақд гап! Зотан шундай бўлиб келаётганди ҳам. Биргина мисол. Шу йилнинг 4 январида ўзини қийнаётган муаммо хусусидаги Д.Холбековнинг аризаси туман ҳокимлиги раҳбарлари томонидан қабул қилинса-да, тақдири номаълумлигича қолаверди. Шикоятнома худди қудуққа тушган игнадек изсиз кетди.***



... Ҳаммасидан ҳафсаласи буткул совий бошлаган фермер сўнгги илинж билан вилоят адлия бошқармасига йўл олди...

У тақдим этган ҳужжатлар ва мавжуд аҳвол билан батафсил танишиб чиққан бошқарма мутасаддилари фермернинг ҳақ эканлигига амин бўлишди ва шу йилнинг 26 февралида Ш-425-сонли тақдимномани вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи О.Махаров номига йўллашди.

— Мен вилоят адлия бошқармасига масаланинг қонуний ечим топишида кўмак сўраб бордим. Бунга эришдим ҳам, — дейди биз билан суҳбатда Дилшод Холбеков. — Ҳолбуки, Боёвут туман ҳокимининг 2006 йил 31 мартдаги №1337-сонли қарорига биноан 108 контурдаги ҳар иккала фермер хўжалигининг ер майдони яхлит 14 гектардан иборат бўлиши керак эди. Лекин менга қўшни бўлмиш «Муҳаммад Карим Жамшид» фермер хўжалиги раҳбари М.Каримқулов ҳеч бир асоссиз менинг 4 гектар еримни эгаллаб олди. Туман ҳокимлигидаги мутасаддилар бу борадаги мурожаатларимга бефарқ қараганларидан кейин мен нима ҳам қила олардим...

Биз юқоридаги муаммоли масала хусусида туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Эргаш Суяров билан мулоқотда бўлдик. Биласизми, туманда жами 32342 гектар майдони мавжуд бўлиб, у 1438 нафар фермерга бўлиб берилган. Бундай муаммолар тез-тез бўлиб туради. Шахсан менга ҳар куни 3-4 нафар фермер худди шу каби масалада мурожаат этади...

Бўлим бошлиғининг эътиборини юқоридаги масалага қаратишга, бу борадаги фикрларини билишга ҳарчанд уринмайлик, у ўз муаммоларини сўзлашдан нарига ўтмади...

Биз эса ушбу суҳбатдан сўнг Д.Холбековнинг нега шунча муддат сарсон-саргардон бўлиб юрганлигининг асл маъно-моҳиятини англагандек бўлдик.

Ўйланиб қоласан киши, дилда эса саволлар чарх ураверади: кетмонни бир четга қўйиб, деҳқонни ариза битишга мажбур этувчи омилларни пайдо этиш боёвутлик раҳбарларга нега керак бўлдийкин?! Туман миқёсидаги раҳбарнинг бежиримгина имзоси билан ҳал бўлиб кетадиган оддийгина муаммо нега вилоят марказида қонуний ечим топди?!

Тўғри, вилоят адлия бошқармасининг аралашувидан сўнг вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Боёвут туман бўлими бошлиғи Э.Суяровга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди. Аммо... аммо бу каби салбий ҳолатларнинг туманда яна содир бўлмаслигига ким кафолат бера олади?!

**Комил БОТИРОВ,**
**Сирдарё вилоят адлия бошқармаси ходими,**
**Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

